497-модда

— 18 — 43 (543)-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

497 Умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш тартиби туррисидаги низомни тасдиқлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чоратадбирлари тўгрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ−4455-сон Фармонини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби туррисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қушимчалар туррисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2012 йил 24 октябрь, 307-сон 43 (543)-сон

— 19 —

497-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 октябрдаги 307-сон қарорига ИЛОВА

Умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш тартиби тўгрисида НИЗОМ

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси ва «Банкротлик тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш тартибини белгилайди.

Умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилиши керак.

- 2. Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки етарли булмаганлиги учун қониқтирилмаган солиқ қарзи умидсиз солиқ қарзи деб эътироф этилали.
- 3. Жисмоний шахснинг умидсиз солиқ қарзи деб қуйидагилар эътироф этилади:

вафот этган жисмоний шахснинг солиқ қарзи — жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ва қатъий белгилаб қуйилган солиққа хисобланган пеня ва (ёки) жарималар, вафот этган жисмоний шахснинг солиқлари ва бошқа мажбурий туловларини тулаш буйича солиқ мажбурияти суммасининг мерос қилиб қолдириладиган мол-мулк қийматидан ортиғи юзасидан. Вафот этган жисмоний шахснинг қарздорлиги меросхур мавжуд булмаган тақдирда ҳам умидсиз ҳисобланади;

суд томонидан бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган жисмоний шахснинг солиқ қарзи, — ушбу жисмоний шахснинг молмулки қийматидан ортиқ бўлган қисми юзасидан. Жисмоний шахсни бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этишни бекор қилиш тўгрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган ёхуд жисмоний шахсни муомалага лаёқатли деб этиш тўгрисида қарор қабул қилинган тақдирда илгари хисобдан чиқарилган солиқ қарзи амал қилиши даъво муддатидан қатъи назар тикланади;

банкрот деб эътироф этилган якка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ қарзи, — мол-мулк етарли булмаганлиги учун қониқтирилмаган қисми юзасидан.

II. Юридик шахсларнинг умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш

4. Тугатиш бошқарувчиси тугатиш иши натижалари буйича қопланмаган солиқ қарзи мавжуд булган тақдирда банкрот юридик шахс руйхатдан

497-модда

ўтказилган жой бўйича давлат солиқ хизмати органига хўжалик судига хисобот такдим этиш санасидан кечикмай тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўгрисидаги хисоботнинг нусхасини такдим этиши шарт.

- 5. Хужалик судининг банкрот деб эътироф этилган юридик шахснинг тугатиш иши тамомланганлиги тургисидаги ажрими давлат солик хизмати органи томонидан ушбу юридик шахснинг солик қарзини хисобдан чиқариш тургисида қарор қабул қилиш учун асос хисобланади.
- 6. Юридик шахсларнинг умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл буйича давлат солиқ хизмати органи раҳбарининг ёки раҳбар уринбосарининг қарори асосида амалга оширади.

Умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш тўгрисидаги қарорга:

хужалик судининг банкрот юридик шахсни тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги туррисидаги ажрими нусхаси;

тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўгрисидаги ҳисоботнинг нусхаси;

ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофик шакл буйича солик қарзи суммаси турисидаги маълумотнома;

жорий йил учун солиқ тўловчининг шахсий карточкалари илова қилинади.

- 7. Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўгрисидаги қарор хўжалик судининг банкрот юридик шахсни тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўгрисидаги ажрими нусхаси олинган санадан бошлаб уч иш кунидан кечикмай қабул қилинади.
- 8. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан умидсиз солиқ қарзи суммасини хисобдан чиқариш, умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечикмай солиқ тўловчининг шахсий карточкасига тегишли ёзувни киритган холда амалга оширилади.

III. Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш

- 9. Банкрот деб эътироф этилган якка тартибдаги тадбиркорнинг умидсиз солиқ қарзи хужалик судининг тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тургисидаги ажрими асосида хисобдан чиқарилади.
- 10. Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг умидсиз солиқ қарзи суднинг қарздор жисмоний шахсни бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш тўгрисидаги қарори, шунингдек қарздор жисмоний шахснинг вафот этганлиги тўгрисидаги гувохнома асосида хисобдан чиқарилади.
- 11. Солиқ туловчи жисмоний шахсларнинг ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофик шакл буйича давлат солиқ хизмати органи рахбарининг ёки рахбарнинг уринбосарининг қарори асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўгрисидаги қарорга:

банкрот булган якка тартибдаги тадбиркорнинг тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тугрисидаги хужалик судининг ажрими;

ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофик шакл буйича солик қарзи суммаси турисидаги маълумотнома;

жорий йил учун солиқ туловчининг шахсий карточкалари илова қилинади.

Жисмоний шахсларнинг умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарорга:

солиқ тўловчининг вафот этганлиги тўгрисидаги гувохнома нусхаси; меросга бўлган хукук тўгрисидаги гувохнома нусхаси (мерос мавжуд бўлган такдирда);

суднинг солиқ тўловчини бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш тўгрисидаги қарори;

ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофик шакл буйича солик қарзи суммаси турисидаги маълумотнома;

жорий йил учун солиқ туловчининг шахсий карточкалари илова қилинади.

- 12. Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор ушбу Низомнинг 9 ва 10-бандларида кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатлар олинган санадан бошлаб уч иш кунидан кечикмай қабул қилинади.
- 13. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан умидсиз солиқ қарзи суммасини хисобдан чиқариш, умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш тўгрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечикмай солиқ тўловчининг шахсий карточкасига тегишли ёзувни киритган холда амалга оширилади.

IV. Хисобдан чиқарилган умидсиз солиқ қарзи суммасини хисобга олиш ва улар тўгрисида хисобот бериш


14. Давлат солиқ инспекциялари хисобдан чиқарилган умидсиз солиқ қарзи суммаси хисобини юритадилар.

Хисобдан чиқарилган умидсиз солиқ қарзи буйича хужжатлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда сақланади.

15. Кейинги ойнинг 10-кунигача ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси ҳисобдан чиқарилган умидсиз солиқ қарзи турисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига солиқлар ва бошқа мажбурий туловларнинг турлари буйича тақдим этади.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

16. Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари ушбу Низом қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.



497-модда -22 — 43 (543)-сон

17. Солиқ туловчилар ва қонун хужжатларига мувофиқ уларнинг манфаатларини ифодалашга вакил қилинган шахслар, тугатиш бошқарувчиси бузилган ва нотуры маълумотлар ва хужжатлар такдим этганликлари учун қонун хужжатларида белгиланган тарзда жавоб берадилар.

Умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш тартиби тўгрисидаги низомга 1-ИЛОВА

Умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш тўгрисида ҚАРОР

20 <u> </u>	№
(умидсиз солиқ қарзин	ни хисобдан чиқариш учун
асос бўлган хужжатнинг но	оми, раками ва санаси)
(юридик шахснинг номи, СТИР / жисмоний ш	ıахснинг фамилияси, исми, отасининг исми) НИНГ
сум тийин умидсиз	з солиқ қарзи хисобдан чиқарилсин.
(туман / шахар)	_ давлат солиқ инспекцияси рахбари (рахбар ўринбосари)
/	(Ф.И.О.)
M.Ÿ.	

43 (543)-сон

— 23 —

497-модда

Умидсиз солиқ қарзини хисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

Солиқ қарзи суммаси тўгрисида МАЪЛУМОТНОМА

		(юридик шахсн	инг номи, СТИР;		
_		жисмоний шахснинг фамилияс	си, исми, отасининг исми,	СТИР)	
	- <u></u>	йил «»	даги хо	элати бўйич	a
					(сўмда)
	Солиқлар ва Қарздорлик:				
[/p	мажбурий тўловлар турлари	солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича	ҳисобланган пенялар бўйича	жарималар бўйича	Ҳаммаси
	Жами:				
	(T	уман / шахар)	(рахбар	ўринбосар	и)
_	(нмзо) (Ф.И.О.)				
		лавла	т солик инспек	шиясининг (Соликлар
	(туман / ш	мажбу олиш,	т солиқ инспек урий тўловлар тахлил қилиш т кўрсатиш бў.	тушумларин , маълумотл	ни хисобі тар базас
_	(туман / ш	мажбу олиш,	урий тўловлар тахлил қилиш	тушумларин , маълумотл	ни хисобі тар базас
_	(туман / ш	мажбу олиш,	урий тўловлар тахлил қилиш	тушумларин , маълумотл	ни хисобі тар базас